

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗОВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тураева Муяссар Расул қизи

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар халқаро маркази таянч докторанти

muyassarxon1177@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада мева-сабзовот маҳсулотларини етиштиришнинг молиялаштириш механизмининг аҳамияти ва мева-сабзовот маҳсулотларини етиштиришга таъсир этувчи табиий омиллар гуруҳи ўрганилган.

Калит сўзлар: Мева-сабзовот, молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги, тақсимлаш, самарадорлик, сув сарфи, ўртача йиллик ҳарорат, ўртача йиллик ёгингарчилик, ҳавонинг намлиги, минерал ўғитлардан фойдаланиш, органик ўғитлардан фойдаланиш, ўртача харажатлар.

ABSTRACT

The article examines the importance of the mechanism of financing the cultivation of fruits and vegetables and a group of natural factors that affect the cultivation of fruits and vegetables.

Key words: Fruits and vegetables, financing, agriculture, distribution, efficiency, water consumption, average annual temperature, average annual precipitation, humidity, use of mineral fertilizers, use of organic fertilizers, average costs.

КИРИШ

Қишлоқ хўжалиги мева-сабзовот маҳсулотларини етиштиришда илғор мамлакатлар тажрибасига кўра молиялаштириш жараёнида асосий устуворлик молиялаштириш механизмига нисбатан йўналтирилади. Аксарият мамлакатларда қишлоқ хўжалиги мева-сабзовот маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш жараёнининг 25-30 фоизи тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Европа давлатлари қишлоқ хўжалик ерларида ипотека механизмидан фойдаланиб, капитал кўйилмаларни бошқаришнинг ўзига хос методлари ва усуллари мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, Белгияда давлат қишлоқ хўжалик ерларини аграр соҳа ишлаб чиқарувчилари ўртасида узоқ

муддатли қайта тақсимлаш тамойилига амал қилади. Голландияда ер майдонларига махсус бириктирилган институтлар томонидан ишлаб чиқилган бозор нархлари асосида эгалик қилинади, шунингдек, ердан вақтинчалик (ижара) ва қишлоқ хўжалигида мақсадли фойдаланиш амалиёти қўлланилади. Германияда 2 гектардан ортиқ ер майдонига эга бўлган қишлоқ хўжалик субъекти ўзига нисбатан йирик фермерларга бириктирилиб, у томонидан бошқарилади. Италияда қишлоқ хўжалик йўналишида фойдаланиладиган ерларга давлат томонидан кам фоизларда (25- 30% бозор ставкаси) 30 йилгача муддатда заёмлар бериш амалиёти мавжуд [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мева-сабзот маҳсулотларини етиштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича ривожланган давлатларда қуйидаги устувор йўналишлардан самарали фойдаланилиши ҳақида олимлар илмий тадқиқот олиб боришган, жумладан,

Биринчидан, мева-сабзот маҳсулотларини етиштириш бўйича барқарор имкониятларни аниқлаш. Ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёки кенгайтириш учун инновацион салоҳиятга эга бўлган агробизнес лойиҳаларини аниқлаш керак. Мева-сабзот маҳсулотларини етиштириш бўйича барқарор имкониятлар ер, сув ва меҳнатнинг мавжудлигига, ишлаб чиқарувчиларнинг лойиҳага қизиқишига ва бозор имкониятларига боғлиқ [2].

Иккинчидан, бозор тадқиқотини ўтказиш. Кўпгина субъектлар маркетингга эмас, балки ишлаб чиқаришга эътибор қаратишнинг давом этаётган бир вақтда, ташкил этиш ва ишлаб чиқариш босқичидан олдин, маҳаллий ёки халқаро бозорларни излаш жуда муҳимдир. Бозор ўрганилгандан кейин талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бозор маълумотлари асосида фаолиятни амалга ошириш керак [3].

Учинчидан, марказлаш стратегиясини ишлаб чиқиш. Агар яхши бозор салоҳияти мавжуд бўлса, кейинги қадам ушбу салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқишдир. Бу жараёнда маҳсулотни таснифлаш, қадоқлаш қадоқлаш уйини ташкил қилиш натижасида маҳсулот қиймати оширилиши мумкин, бундан ташқари махсус экинларга бўлган мавсумий талабни қондириш, юқори нархларга сотиш учун мавсумдан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш ва икки томонлама маҳсулот маркетинг стратегиясини, яъни янги ёки музлатилган ҳолда сотувни йўлга қўйиш мумкин [4].

Тўртинчидан, ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлигини ташкил қилиш. Йирик корхоналар ва кичик ишлаб чиқарувчилар бирга контрагент муносабатларини ўрнатишига ҚҚС солиғидаги имтиёзлар, кутилмаган транзакция харажатларига

тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, кичик ишлаб чиқарувчилар кредит, техник ёрдам ва бозор маълумотларига киришда катта институтсионал тўсиқларга дуч келишади. Юқори ва ишончли ишлаб чиқариш ҳажмини таъминлаган ҳолда транзакция харажатларини камайтирадиган ишлаб чиқарувчилар бирлашмаси асосида ташкил этиш ушбу тўсиқларни бартараф этишнинг ечими сифатида қаралади [5].

Бешинчидан, стартап капиталидан фойдаланиш. Маркетинг стратегияси ишлаб чиқилгандан сўнг, етиштириш мўлжалланган мева ёки сабзавот лойиҳаси бошланғич капитал талаб қилади. Кичик фермер хўжаликлари лойиҳалари учун кредитнинг танқислиги ва юқори фоиз ставкалари муаммо бўлиб қолмоқда. Шунга қарамай, бошланғич капитални жалб қилиш учун турли хил имкониятлар мавжуд, жумладан, инвеститсиялар, ҳамкорлар томонидан тақдим этилган маблағлар, давлат дастурлари, нодавлат кредит манбалари, кредит уюшмалари, халқаро молиявий ташкилотлар, ва бошқа ННТлар ҳисобидан молиялаштириш [6].

Олтинчидан, тегишли техник ёрдам билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Юқори сифатли, барқарор техник ёрдам мева-сабзавот етиштиришда муваффақиятга эришишда, айниқса экинларни етиштиришда тажрибаси кам фермерлар учун жуда муҳимдир. Техник кўмак сифат стандартлари ва фитосанитария қоидалари бўйича бозор стандартларига асосланган бўлиши, фермер хўжаликларини унумли ҳосил олишига ёрдам беради [7].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришда молиялаштириш сифатини ошириш, кредит рискларини камайтириш, миқдорларнинг кредит қобилиятини объектив баҳолаш усул ва механизмларини мукамаллаштириш, молиялаштириш амалиёти учун мақбул бўлган даромадлилик стратегиясини танлаш, молиялаштириш манбаларининг молиявий барқарорлиги ва молиялаштириш салоҳиятини оширишнинг инновацион йўналишларини жорий этиш жараёнига алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 30-мақсади экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсиф боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш [8]. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида мева сабзавотчилик тармоғида кластерларни ташкил этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлашда тўлиқ ишлатилмаётган қувватларни ишга тушириш назарда тутилган [9]. Шу нуқтаи назардан олиб борилган эконометрик таҳлиллар, боғдорчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион технологиялардан фойдаланиш, боғдорчиликда ялпи маҳсулотни кўпайтириш омилларига эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи омиллар гуруҳини билишимиз ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қуйидаги асосий омиллар ўз таъсирини кўрсатади: сув сарфи; ўртача йиллик ҳарорат; ўртача йиллик ёгингарчилик; ҳавонинг намлиги; минерал ўғитлардан фойдаланиш; органик ўғитлардан фойдаланиш; ўртача харажатлар; ишчи кучи сарфи; пестицидлардан фойдаланиш; тупроқнинг бонитет бали ва бошқалар.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришнинг самарадорлигини ошириш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштиришда «...қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш, қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос молиялаштириш ва суғурталаш механизмини такомиллаштириш» жараёнларига алоҳида устуворлик берилмоқда. Аммо, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришда имтиёзли кредитлар улушининг кўплиги, бу борада банклар депозит базасининг барқарор эмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишни мавсумий характерга эга эканлиги бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш зарурати ва аҳамиятини оширади.

Мева-сабзавот етиштиришда сув ҳажмининг етарлилиги ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Мева-сабзавотчиликда сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ҳосилнинг сифати ва ҳажмига таъсир қилади. Мева етиштиришда 1 гектар майдонга Қашқадарё вилояти мисолида қуйидаги ўртача ҳажмда сув сарф қилинади:

- анъанавий суғориш усулида $4\ 200\ \text{м}^3$

- томчилатиб суғориш усулида 2 500 м³
- ақлли суғориш тизимида 2 203 м³
- анъанавий усулга нисбатан тежаладиган миқдор 1 997 м³
- томчилатиб суғориш усулга нисбатан тежаладиган миқдор 297 м³

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан молиявий ресурслардан фойдаланиш соҳаларини таҳлил қилиш жараёнида пул маблағларини йўналтиришнинг қуйидаги йўналишлари кўриб чиқилди: минерал ўғитлар сотиб олиш; озуқа сотиб олиш; қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш; иш ҳақини тўлаш; уруғлик сотиб олиш; кредитларни қайтариш; солиқ тўловлари; ёқилғи-мойлаш материалларини сотиб олиш; суғурта тўловлари ва бошқалар.

Иқтисодиётнинг мева-сабзот маҳсулотларини етиштириш сектори корхоналари томонидан молиявий ресурслардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди (1-расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалиги соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар харажатлар тақсимооти тавсифи⁷

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги сектори корхоналари қўшимча маблағларга муҳтож. Кредитни жалб қилиш агротехника паркини сезиларли

⁷ Тадқиқотчи ишланмаси.

даражада янгилаш, қўшимча ўғитлар сотиб олиш, мева-сабзавот навини кўпайтириш ва ҳоказоларга имкон беради.

Юқоридагиларга асосланиб, давлат нафақат ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириши, балки бошқа воситалардан ҳам фойдаланиши керак: солиқларни камайтириш, маҳсулотларга талабни ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни хусусан қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштириш, тармоқда экспортбон, рақобатбардош маҳсулотларни етиштириш, чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги технологияларидан фойдаланиш кабилар борасида ўзига хос чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шулар жумласига мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, мева-сабзавотчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва харидорга етказишда кластер тизимини ташкил этиш лозим.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мева-сабзавотчиликда инновацион кластерларини шакллантириш ва вертикал интеграцион жараёнларни жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, Республикамиз секин-аста глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси 2020 йилда Глобал Очлик Индекси бўйича энг яхши деб топилган 47 та мамлакатлар орасида 6,7 балл билан 30 ўринни эгаллади. мева-сабзавотчилик инновацион кластерларини шакллантиришдан асосий мақсад аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширишдан иборат.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича ривожланган давлатларда қуйидаги устувор йўналишлардан самарали фойдаланилмоқда хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича барқарор имкониятларни аниқлаш, бозор тадқиқотини ўтказиш, маркалаш стратегиясини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқарувчилар ҳамкорлигини ташкил қилиш, стартап капиталидан фойдаланиш, тегишли техник ёрдам билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гордеев А. Повышать инвестиционную привлекательность сельского хозяйства/А.Гордеев//АПК: экономика, управление, 2006. – №4. – С. 2-4.
2. Schnitzler, W. H., & Holmer, R. J. (1997). Initial Results of an European Union Financed Project on Urban Vegetable Production in Southeast Asia. *Kasetsart J.(Nat. Sci.)*, 32, 21-26.
3. Perdana, T. (2012). The Triple Helix Model for fruits and vegetables supply chain management development involving small farmers in order to fulfill the global market demand: A case study in “Value Chain Center (VCC) Universitas Padjadjaran”. *Procedia-Social and Behavioral Sciences*, 52, 80-89.
4. Swinnen, J. F., & Maertens, M. (2014). Finance through food and commodity value chains in a globalized economy. In *Finance for Food* (pp. 45-65). Springer, Berlin, Heidelberg.
5. Weber, O., Delince, J., Duan, Y., Maene, L., McDaniels, T., Mew, M., ... & Steiner, G. (2014). Trade and finance as cross-cutting issues in the global phosphate and fertilizer market. In *Sustainable Phosphorus Management* (pp. 275-299). Springer, Dordrecht.
6. Herwig, K. R. (1991). Financing fruit and vegetable production in the upper Nile Valley of Sudan. *Financing fruit and vegetable production in the upper Nile Valley of Sudan*.
7. Hulse, F. E., Biggs, G. W., & Wissman, R. A. (1980). *Small fresh fruit and vegetable cooperative operations* (No. 27). Department of Agriculture, Economics, Statistics, and Cooperatives Service.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
9. Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сонли «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.